



Инсонлардаги жами аъзолар учун қуёш чиқадиган ҳар бир кунда садақа бор

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Инсонлардаги жами аъзолар учун қуёш чиқадиган ҳар бир кунда садақа бор: Икки киши ўртасида адолат қилишинг – садақа. Бирорнинг уловга минишига ёрдам бериб, уни чиқариб қўйишинг ёки нарсасини олиб беришинг – садақа. Яхши сўз – садақа. Йўлдан азиятли нарсани олиб ташлашинг ҳам садақадир», – дедилар.

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир балоғатга етган, ақли тўла мусулмоннинг ҳар куни ўз танасидаги ҳар бир бўғим сонига яраша садақа бериши лозимлигини баён қилдилар. Бу садақа Аллоҳ таолога соғ-саломатлик неъматлари учун шукр ифода қилиш мақсадида ихтиёрий қилинади. Чунки Аллоҳ таоло инсоннинг суюкларини бўғимли қилиб, улар орқали ушлаш ва очиш-ёпиш ҳаракатларини қилиш имкониятини берди. Ушбу садақа мол-мулк бериш билангина эмас, балки барча яхшилик ишлари орқали ҳам адо этилади. Масалан: — Икки кишини яраштириб, улар орасида адолат қилиб беришинг садақа ҳисобланади. — Норосо ёки ожиз одамга ёрдам бериб, уни ҳайвонига миндириш ёки юкини кўтариб бериши ҳам садақа ҳисобланади. Яхши сўз айтиш — зикр, дуо, салом ва шу кабилар ҳам садақа ҳисобланади. — Намозга қадам ташлаб борган ҳар бир қадами садақа ҳисобланади. — Йўлда одамларга озор бериши мумкин бўлган нарсани олиб ташлаш ҳам садақа ҳисобланади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4568>